



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 1962-1
2021 - vil 16 - oktabr

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ
МАРКАЗИНинг
ҚАРОРИ**

**“Академик лицейлар, касб-хунар колледжлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг
умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан
олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорни
ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 562-сон
“Иқтидорли ўқувчилар ўртасида фан олимпиадаларини ўтказиш тизимини такомиллаштириш ҳамда
хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактабни аниқлаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги
қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими
вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази қарор қиласди:

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ
таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2009 йил 1 майдаги 18
К/К, 20, 13/ҚҚ-сон “Академик лицейлар, касб-хунар колледжлари ва умумтаълим мактаблари
уюқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан
олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги карори (рўйхат
рақами 1962, 2009 йил 2 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 23-сон,
266-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.
2021 йил 13 октябрь,
32-2021 сон



Тошкулов А. X.

Давлат тест маркази директори

Тошкент ш.
2021 йил 10 октябрь,
562 сон



Karimov M. M.

Халқ таълими вазири

Тошкент ш.
2021 йил 12 октябрь,
21-mh сон



Shermatov S. X.